

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD 03/30.12.2019.Psi.72.06 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ГАНЖИЕВ ФЕРУЗ ФУРҚАТОВИЧ**

**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТИ ТАРБИЯЧИЛАРИДА**  
**ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК КОМПЕТЕНТЛИК ОМИЛЛАРИНИНГ**  
**НАМОЁН ЭТИЛИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ**

**19.00.05 – Ижтимоий психология. Этнопсихология**

**Психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Бухоро – 2022**

УДК:371.132:373.2:37.01

**Психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по психологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on psychological sciences**

**Ганжиев Феруз Фуркатович**

Мақтабгача таълим ташкилоти тарбиячиларида ижтимоий-психологик компетентлик омилларининг намоён этилиши ва ривожланиши ..... 5

**Ганжиев Феруз Фуркатович**

Демонстрация и развитие факторов социально-психологической компетентности у воспитателей дошкольных образовательных учреждений..... 27

**Ganjiev Feruz Furkatovich**

Demonstration and development of socio-psychological competence factors of teachers in pre-school educational institutions..... 51

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of publications ..... 55

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD 03/30.12.2019.Psi.72.06 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ГАНЖИЕВ ФЕРУЗ ФУРҚАТОВИЧ**

**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТИ ТАРБИЯЧИЛАРИДА**  
**ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК КОМПЕТЕНТЛИК ОМИЛЛАРИНИНГ**  
**НАМОЁН ЭТИЛИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ**

**19.00.05 – Ижтимоий психология. Этнопсихология**

**Психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Бухоро – 2022**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/P105 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.psi-ik.uz](http://www.psi-ik.uz)) ҳамда "ZiyoNet" Ахборот-таълим порталида ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Баратов Шариф Рамазонович**

психология фанлар доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Утепберганов Марат Алланазарович**

психология фанлари доктори, доцент

**Якубова Гўзал Асатуллаевна**

психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Қарши давлат университети**

Диссертация химояси Бухоро давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD03/30.12.2019 Psi.72.06. рақамли илмий кенгашнинг 2022 йил «11» 03 соат 10:30 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: +99865221-29-14; факс: +998365 221-57-27; e-mail: [buxdu\\_rektor@buxdu.uz](mailto:buxdu_rektor@buxdu.uz)).

Диссертация билан Бухоро давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (118 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: +998365221-25-87).

Диссертация автореферати 2022 йил «23» 02 кuni тарқатилди.

(2022 йил «23» 02 даги 5 - рақамли реестр баённомаси.)



**О.Х.Ҳамидов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, иқтисод фанлари доктори (DSc), профессор

**Д.А. Собирова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

**У.Д. Қодиров**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, психология фанлари доктори, доцент

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон миқёсида ижтимоий интеграция, глобаллашув ва ахборотлаштириш тенденцияларининг кучайиб бориши барча турдаги таълим муассасалари тарбиячиларида ижтимоий-психологик компетентлик масалаларига бугунги замонавий талаблар асосида янада жиддийроқ эътибор қаратишни тақозо этмоқда. Болонья Декларацияси, «Европа Кенгаши мамлакатларининг 2020 йилга қадар таълим ва кадрларни касбий тайёрлаш соҳасидаги Ҳамкорлик стратегияси», Олий касбий таълим муассасалари Европа ассоциацияси EURASHE, ENIC-NARIC ахборот-тизим маркази, Таълим соҳасидаги халқаро ташкилот Education International ҳужжатларида<sup>1</sup> педагог кадрларга алоҳида талаблар қўйилади ва уларнинг профессионал компетентлиги масаласи муҳим аҳамият касб этади.

Дунёда глобаллашув жараёнининг кечиши, ўзига хос ижтимоий тараққиёт тамойилларига мос шахсни тарбиялаш ва унга ижтимоий-психологик таъсир этишни таъминловчи тарбиячиларга бўлган эҳтиёжнинг янада ортиб бораётганлигини кўрсатмоқда. Бинобарин, мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиларида ижтимоий-психологик компетентлик омилларини ўрганиш, уларнинг компетентлигини шакллантириш ва ривожлантириш механизмларини ишлаб чиқиш каби устувор масалалар бўйича муҳим тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Шунингдек, амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар талабига тўла жавоб берувчи, интеллектуал салоҳияти юқори, кескин ўзгаришларга тез мослаша оладиган, рақобат бардош, меҳнат бозорида мутахассислар малакасига қўйилаётган талаблар даражасида самарали фаолият юритувчи шахсни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамизда таълим тизимида олиб борилаётган ислохотлар, айти пайтда ушбу тизимда, масъулиятли, иродали, ўз касбига садоқатли, фидойи кадрларни етиштириш вазифасини қўймоқда. Ушбу вазифанинг амалий жиҳатдан бажарилиши мактабгача таълим ташкилотларида соғлом психологик муҳитнинг яратилиши билан бевосита боғлиқдир. Жумладан, ҳар бир тарбиячида шахслик хусусиятлари ва ижтимоий-психологик компетентлик ўртасидаги уйғунликни таъминловчи психологик механизмларнинг фаолият самарадорлигига бевосита таъсирини белгилаб берувчи омилларни аниқлаш, тадқиқ қилиш асосида мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячиларида ижтимоий-психологик компетентликни ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш ва уни бевосита амалиётда қўллаш масаласини ёритиб бериш юзасидан илмий тадқиқотларни янада чуқурлаштириш зарурати мавжуд.

---

<sup>1</sup> Стратегия Европейского Союза в области образования и профессиональной подготовки (ET2020) // Гаськов В.В. Согласование стратегических целей и индикаторов профессиональной подготовки кадров с международными рекомендациями и опытом (Обзорный технический доклад). – М., 2018. – С.11-21.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича «Харакатлар стратегияси тўғрисида» фармони, 2017 йил 30 сентябрдаги ПҚ–3305-сон «Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида», 2018 йил 5 апрелдаги ПҚ–3651-сон «Мактабгача таълим тизимини янада рағбатлантириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 майдаги 391-сон «Мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳон олимлари тадқиқотларида компетентлик муаммоси педагогика фанлар каби психологиянинг ҳам муайян даражадаги тадқиқот объекти бўлиб келмоқда. Мазкур муаммо психологик тадқиқот сифатида дастлаб<sup>2</sup> Д.Г. Майерс, К.Р. Роджерс, Ж.Ф. Пиаже, Д. Векслер, Д. Гоулман, Г.Ю. Айзенк, Л.Ф. Бахман, А.Д. Палмер, Ян Ван Эк, Г.У. Олпорт, А.А. Реан, В.А. Кан-Калик, Э.Ф. Зеер ва бошқа бир қатор олимларнинг илмий изланишларида тадқиқ этилган.

Рус олимларидан профессионал компетентлик ва унинг касбий фаолият самарадорлигига таъсири<sup>3</sup> Н.В. Самоукина, А.К. Маркова, В.А. Слостенин, З.А. Решетовалар томонидан ўрганилган. Таниқли психолог А.К. Маркова эса педагог профессионал компетентлигини шахснинг индивидуал хусусиятлари билан боғлиқ ҳолда ўрганади ва бу жараёни касбий компетентликнинг шаклланиш истикболларидаги аҳамиятини асослаб беради. Шунингдек, Ю.К. Бабанский, С.Л. Рубинштейн, В.Д. Шадриков, Ш.А. Амонашвили, Б.Б. Величковский каби рус олимлари томонидан амалга оширилган илмий изланишларда компетентлик касбий фаолият самарадорлигини ташкил қилувчи етакчи омил сифатида ўрганилиб, унинг ўзига хос ижтимоий-психологик хусусиятлари очиқ берилган<sup>4</sup>.

<sup>2</sup> Гоулман Д. Эмоциональный интеллект. Почему он может значить больше, чем IQ. – М.: Манн, Иванов и Фербер, 2013. – С. 560.; Гоулман Д. Фокус. О внимании, рассеянности и жизненном успехе. – М.: АСТ: CORPUS, 2015. – 384 с.; Майерс Д. Социальная психология в модулях; Прайм-Еврознак, Харвест. – М., 2006. – 320 с.; Роджерс К. Клиентоцентрированный человекоцентрированный подход в психотерапии // Вопросы психологии. – М., 2001. – С. 48-58.; Пиаже Ж. Избранные психологические труды. Психология интеллекта. – М.: МПА, 1994. – 234 с.; Векслер Д. Диагностика структуры интеллекта: взрослый вариант: методическое руководство. – Санкт-Петербург: Иматон, 2000. – 112 с.; Айзенк Г.Ю. Понятие и определение интеллекта // Вопросы Психологии. – М., 1995. – С. 111-131.; Зеер Э.Ф. Моделирование профессионального образования: компетентностной подход. Учеб. пос. – М. 2005. – 216 с.

<sup>3</sup> Самоукина Н. В. Карьера без стресса. – СПб.: Питер, 2003. – 253 с.; Слостенин В.А. и др. Педагогика. – М.: Академия, 2002. – 576 с.; Решетова З.А. Психологические основы профессионального обучения – М.: МГУ, 1985. – 208 с.; Макаренко А.С. Педагогические сочинение в восьми томах. – М.: Педагогика, 1986. – 363 с.; Маркова А.К. Психология профессионализма. – М.: Знание, 1996. –144 с.

<sup>4</sup> Бабанский Ю.К. Избранные педагогические труды //сост. М.Ю. Бабанский. – М.: Педагогика, 2010. – 558 с.; Рубинштейн С.Л. Основы общей психологии. – СПб.: Питер, 2000. –169 с.; Шадриков В.Д. Проблемы системогенеза профессиональной деятельности. М.: Наука, 1982. – 154 с.; Амонашвили, Ш.А. Размышления о гуманной педагогике. – М., 1996. – 496 с.; Величковский Б.Б. Психологические факторы возникновения чувства присутствия в виртуальных средах. Национальный психологический журнал. – М., 2014. - №3(15) – С. 31-38.

Мамлакатимиз олимларидан М.Г. Давлетшин, Э.Ғ. Ғозиев, Ғ.Б. Шоумаров, А.М. Жабборов, З.Т. Нишонова, Д.Г. Мухамедова, Ш.Х. Абдуллаевалар педагог касбий компетентлигининг психологик муаммоларини ўз тадқиқотларида очиб берганлар<sup>5</sup>.

Диссертацияни ёзиш жараёнида номлари кўрсатилган ва бошқа бир қатор ўзбек ҳамда жаҳон олимларининг илмий изланишлари эътиборга олинди. Тадқиқотимизда мазкур йўналишда бажарилган ишлардан фарқли равишда, ижтимоий-психологик компетентлик муаммоси ижтимоий психологиянинг турли объектларида, турли хил илмий мақсадлар асосида ўрганилган бўлиб, уларда компетентлик феноменининг умумий табиати, монографик тарзда текширилган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация Бухоро давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг ИТД–1. ЁА–1–9 рақамли «Аҳолининг турли қатламларига психологик хизмат кўрсатиш амалиёти» (2016-2017 йй.) амалий ва ОТ-Ф1 «Ёшларда миллий ғоя ва мафкуравий иммунитетни шакллантиришнинг психологик механизмлари» (2017–2021) фундаментал лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиларидаги ижтимоий-психологик компетентлик омилларининг намоён этилиши ва ривожланишини аниқлашдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиларининг касбий фаолият самарадорлигига таъсир этувчи ижтимоий-психологик омилларни аниқлаш;

мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиларининг фаолиятида намоён бўлувчи ижтимоий-психологик компонентларни белгилаш;

мактабгача таълим ташкилотида фаолият юритувчи тарбиячилардаги ижтимоий-психологик компетентлик омиллари, ижтимоий-психологик компетентлик индекси омиллари ва шахс типлари ўртасидаги корреляцион боғлиқлик натижаларини таҳлил қилиш;

тарбиячиларда ижтимоий-психологик компетентликни ривожлантиришга мўлжалланган психологик тренинглар дастурини ишлаб чиқиш ва унинг самарадорлигини баҳолаш;

**Тадқиқотнинг объекти сифатида** мактабгача таълим ташкилотларида фаолият юритувчи жами 576 нафар тарбиячилар, жумладан, Бухоро вилояти, Бухоро шаҳридаги 10, 13, 16, 54, 51, 61, 44, 43 - сонли, Жондор туманидаги 4, 6, 8, 22, 23 - сонли, Олот туманидаги 1, 2, 3, 9, 10 - сонли мактабгача таълим

---

<sup>5</sup>Давлетшин М.Г. Умумий психология. – Тошкент. 2002. – 31-44 б.; Ғозиев Э.Ғ. Умумий психология – Тошкент: Университет, 2010. – Б. 544; Гайнутдинов Р.З. Психология личности учителя узбекской национальной школы и её формирование в системе непрерывного образования.//автореф.дисс.доктора психол.наук. Санкт-Петербург, 1992. – Б. 37-45.; Жабборов А.М. Ўқитувчи этнопсихологияси. – қарши, 2015. – Б. 180; Мухамедова Д.Г. Таълим менежерини инновацион фаолиятга тайёрлашнинг ижтимоий-психологик технологияларини такомиллаштириш. (DSc) Автореферат. – Тошкент, 2015. – 75 б.; Абдуллаева Ш.Х. Педагог профессионал компетентлигини шакллантиришнинг ижтимоий-психологик механизмлари. (DSc) Автореферат. – Тошкент, 2019. – 61 б.

ташкilotларидан, жами 300 нафар тарбиячи, Навоий вилояти, Навоий шаҳридаги 10, 31, 16, 8, 32, 33, 1, 9, 30, 25 - сонли мактабгача таълим ташкilotларидан, жами 276 нафар тарбиячилари танланган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни мактабгача таълим ташкilotларида фаолият юритувчи тарбиячилардаги ижтимоий-психологик компетентлик омилларининг намоён этилиши ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда «Шахс типлари» сўровномаси (Г.Ю. Айзенк); «Коммуникатив ва социал компетентлилик» методикаси (В.Н.Куницына); «Социал-коммуникатив компетентлик (СКК)» методикаси(Н.П. Фетискин, В.В. Козлов), «Мактабгача таълим ташкilotи тарбиячиларининг ижтимоий-психологик компетентлик индекси» ижтимоий-психологик сўровномаси (Ш.Р. Баратов ва Ф.Ф. Ганжиев); К. Пирсоннинг r-корреляцияси, Студентнинг t мезони ва маълумотларни қайта ишлаш SPSS 22 дастури, контент-таҳлил каби усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

тарбиячиларда коммуникатив пассивликни енгиш, фрустрацияни ва мавҳумликни бартараф этиш, психологик карама-қаршиликни мувофиқлаштириш каби хусусиятлар ҳиссий барқарорликка асосланган ташқи ва ички мотивацион йўналганликни шакллантириши туфайли уларда муваффақиятга эришиш ва касбий ривожланиш самарадорлигининг ортишига ижобий таъсир кўрсатиши исботланган;

тарбиячиларда намоён бўлувчи вербал компетентлик, ахлоқий установакалар, эмоционал барқарорлик каби омиллар мустақил фикрни баён қилаолмаслик, ишончсизлик, хавотирланиш, шахслараро муносабатга кириша олмаслик каби салбий хусусиятларни секин-аста бартараф этиб бориши туфайли уларда ижтимоий-психологик компетентликнинг ривожланишини таъминлаши исботланган;

экстраверсия типига мансуб бўлган тарбиячиларда мулоқотмандлик, инсонлар орасида бўлишни ёқтириш, ўз туйғуларини очиқ ифода эта олиш, вазиятларга тез мослаша олиш каби сифатларнинг устувор аҳамият касб этиши сабабли уларнинг социал тажрибаларни ўзлаштиришга мойил бўлиши ҳамда таълим-тарбия жараёнида тарбиячи касбий фаолиятини самарали ташкил этишга укувли эканликлари аниқланган.

тарбиячиларда ўз хатти-ҳаракатларини тўғри бошқара олиш, ўз шахсий хусусиятларини адекват баҳолай олиш ва ўз-ўзини тартибга солиш қобилиятлари яхши ривожланган бўлса, уларнинг коммуникатив зиддиятларни бартараф этишга интилиши кучли бўлиши сабабли ҳар қандай вазиятларда ҳам ўзларида ишонч, журъат ва инсонлар билан муносабатнинг оптимал йўллари топа олиши исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

мактабгача таълим ташкilotи тарбиячилари учун ижтимоий-психологик компетентликни ривожлантириш дастури яратилган ва бу дастур мактабгача таълим ташкilotларида қўлланилган;



мактабгача таълим ташкилоти тарбиячилари ижтимоий-психологик компетентлигини такомиллаштиришга йўналтирилган амалий тавсиялар тақдим этилган;

ижтимоий-психологик компетентликни ривожлантиришга доир тренинглари мажмуи ишлаб чиқилган ва мактабгача таълим ташкилоти тарбиячилари фаолиятида татбиқ этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** қўлланилган методологик базанинг мукамаллиги, адекват тадқиқот методикаларидан фойдаланилганлиги, репрезентативлиги, ишончлилиги ҳамда эмпирик натижаларнинг мақсадга мувофиқ таҳлил ва талқин этилганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг математик статистика методларини самарали қўллашга имкон берувчи SPSS 22 дастури каби таҳлил усуллари воситасида асосланганлиги, назарий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти бакалавр ва магистратура таълим йўналишлари бўйича кадрлар тайёрлашга доир олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини ишлаб чиқишда, «Касб психологияси», «Педагогик психология» фанидан дарсликлар яратишда, мактабгача таълим тизимидаги тарбиячиларини малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш курсларида фойдаланиш билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиларининг касбий фаолиятини шакллантириш юзасидан семинар-тренинглари ташкил этувчи мутахассислар, амалиётчи психологлар фаолиятида ҳамда педагогик психология ва ижтимоий психология фанлари бўйича ўқув дастур, қўлланмалар яратишга хизмат қилиши мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилинганлиги.** Мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячиларида ижтимоий-психологик компетентлик омилларини ривожлантириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

тарбиячиларда коммуникатив пасивликни енгиш, фрустрацияни ва мавҳумликни бартараф этиш, психологик қарама-қаршиликни мувофиқлаштириш каби хусусиятлар ҳиссий барқарорликка асосланган ташқи ва ички мотивацион йўналганликни шакллантириши туфайли уларда муваффақиятга эришиш ва касбий ривожланиш самарадорлигининг ортиб бориши билан боғлиқ хулосалардан Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида «Ижтимоий психология» модулини фаолиятга жорий этиш жараёнида фойдаланилган (Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети қошидаги Психология ўқув-илмий Марказининг 2020 йил 19 августдаги П–М–9-сонли маълумотномаси). Натижада бўлғуси

педагог-психологларни ўқитишда назария ҳамда амалиёт узвийлиги кучайтирилган;

тарбиячиларда намоён бўлувчи вербал компетентлик, ахлоқий установакалар, эмоционал барқарорлик каби омиллар мустақил фикрни баён қилаолмаслик, ишончсизлик, хавотирланиш, шахслараро муносабатга кириша олмаслик каби салбий хусусиятларни секин-аста бартараф этиб бориши туфайли уларда ижтимоий-психологик компетентликнинг ривожланиши билан боғлиқ хулосалардан Бухоро ҳамда Навоий вилоятлари мактабгача таълим ташкилотлари фаолияти жараёнида фойдаланилган (Мактабгача таълим вазирлигининг 2020 йил 3 июндаги 02–02/2–793-сонли маълумотномаси). Натижада мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиларида ижтимоий-психологик компетентлик омилларининг ривожланишига эришилган;

экстраверсия типига мансуб бўлган тарбиячиларда мулоқотмандлик, инсонлар орасида бўлишни ёқтириш, ўз туйғуларини очик ифода эта олиш, вазиятларга тез мослаша олиш каби сифатларнинг устувор аҳамият касб этиши сабабли уларнинг социал тажрибаларни ўзлаштиришга мойил бўлиши ҳамда таълим-тарбия жараёнида тарбиячи касбий фаолиятини самарали ташкил этишга укувли эканликларига доир хулосалардан Бухоро ҳамда Навоий вилоятлари мактабгача таълим ташкилотлари фаолияти жараёнида фойдаланилган (Мактабгача таълим вазирлигининг 2020 йил 3 июндаги 02–02/2–793-сонли маълумотномаси, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 18 декабрдаги 89–03–5340-сонли маълумотномаси). Натижада мактабгача таълим ташкилоти тарбиячилари фаолиятида психодиагностик ишларининг самарадорлиги оширилган;

тарбиячиларда ўз хатти-ҳаракатларини тўғри бошқара олиш, ўз шахсий хусусиятларини адекват баҳолай олиш ва ўз-ўзини тартибга солиш қобилиятлари яхши ривожланган бўлса, уларнинг коммуникатив зиддиятларни бартараф этишга интилиши кучли бўлиши сабабли ҳар қандай вазиятларда ҳам ўзларида ишонч, журъат ва инсонлар билан муносабатнинг оптимал йўллари топа олиши билан боғлиқ хулосалардан Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети қошидаги Психология ўқув-илмий Марказининг 9-сонли буйруғига асосан бўлғуси амалиётчи психологларни тайёрлашда «Ижтимоий психологик тренинг» модулини фаолиятга жорий этиш жараёнида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг 2020 йил 3 июндаги 02–02/2–793-сонли маълумотномаси). Натижада бўлғуси психологлар фаолиятининг услубий таъминоти такомиллаштирилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертация иши натижалари 4 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза кўринишида баён этилган ва апробациядан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш чоп этилган. Шулардан, 1 та монография,

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 4 та республика ва 4 та хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация таркиби кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 161 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси очиқ берилган, диссертация тадқиқотининг олий ўқув юрти илмий-тадқиқот ишлари режалари билан алоқадорлиги баён қилинган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, шунингдек объекти, предмети ва методлари таърифланган тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалар, олинган натижаларнинг ишончлилиги, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган.

Диссертациянинг «**Ижтимоий-психологик компетентлик омиллари шаклланишининг методологик асослари**» деб номланган биринчи бобида мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиларидаги компетентлик муаммосига оид илмий манбаларни таҳлил қилиш ва тадқиқот мақсадига мос равишда тизимлаштириш учун хориж, шу жумладан, Россия ҳамда Ўзбекистонлик тадқиқотчилар ишларининг назарий таҳлили баён қилинган. Компетентлик тушунчасининг ижтимоий-психологик моҳияти ва уни тадқиқ қилиш билан боғлиқ илмий ёндашувларнинг илмий-назарий ва методологик асослари баён қилинган.

Бинобарин, ижтимоий-психологик компетентлик масаласи қадимдан шарқ мутафаккирлари томонидан яратилган дурдона асарларининг асосини ташкил қилиб келган. Жумладан, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Юсуф Хос Хожиб, Аҳмад Дониш, Абдулла Авлонийлар томонидан ёзилган асарларда муаммо атрофлича талқин қилинган.

Буюк қомусий олим Абу Наср Форобий асарларида таълим-сўз ва кўникмалар мажмуи, тарбия амалий малакаларни ривожлантириш манбаи, компетентлик эса шу малакаларнинг муваффақиятли намоён этилиши сифатида жуда кўплаб мулоҳазалар баён этилади.

Абу Али ибн Синонинг «Идеал инсонни тарбиялаш модели» га асосланган ғоялари бугунги тарбиячилар фаолиятида ҳам муҳим ўрин тутди.

Ижтимоий-психологик компетентлик муаммосининг умумий жиҳатлари Г.М. Андреева, Е.А. Абульханова-Славская, А.Л. Южанинова, Д. Майерс, В.А. Лабунская, Е.С. Михайлова, В.П. Бедерханова, А.А. Бодалев, С.Л. Рубинштейн, А.Н. Леонтьев, А.В. Петровский, В.А. Крутецкий каби таниқли психолог олимлар томонидан ўрганилган. Шунингдек, мактабгача таълим тизими тарбиячиларининг компетентлиги муаммоси фаолият ва шахсининг

уйғунлиги жиҳатдан ҳам алоҳида тадқиқ этилган (Б.Г. Ананьев, А.А. Бодалев, А.Н. Леонтьев, А. Маслоу, А.Г. Асмолов, Г. Олпорт).

Умуман компетентлик муаммоси ва унинг ижтимоий-психологик тамойиллари республикамиз олимлари томонидан ҳам ўрганилмоқда. Бунда шахслараро муносабат, педагогик мулоқотга қобилиятлилик, ўзаро бир-бирини тушуниш ва идрок этиш, педагогик ҳамкорлик ва фаолиятни бошқариш масалаларига алоҳида эътибор қаратилади. Бинобарин, республикамизда амалга оширилган ушбу тадқиқотларнинг умумий тавсифига мурожаат қиладиган бўлсак, энг аввало профессорлар М.Г. Давлетшин, Э.Ғ. Ғозиев, Ғ.Б. Шоумаров раҳбарлигида олиб борилган тадқиқотларда шахснинг мулоқотмандлик, муомаланинг ўқув фаолиятини бошқаришдаги роли, ҳамкорлик фаолиятини ёритишга қаратилган тадқиқотларини алоҳида қайд этиш мумкин.

Чунончи, Э.Ғ. Ғозиев таълим берувчининг ва таълим олувчининг ҳамкорлик фаолиятини изчил ташкил этиш механизмини тизимлаштирган бўлса, М.Г. Давлетшин ўз изланишларида таълим берувчи, болалар жамоасида ижтимоий-психологик механизмлардан унумли фойдаланиш малакасига эга бўлиши зарурлиги ҳақидаги илмий мулоҳазаларни асослаб беради.

Б.Р. Қодиров тадқиқотларида таълим олувчиларнинг индивидуал психологик имкониятларига мос таълим тарбия жараёнларни ташкил этиш малакасини шакллантириш орқали компетентликка баҳо берилса, Ш.Р. Баратов раҳбарлигида олиб борилган тадқиқотларда таълим ташкилотларида психологик хизматни ташкил этиш орқали тарбиячиларнинг ижтимоий-психологик компетентлигини ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилади<sup>6</sup>.

А.Х. Маҳмудов тадқиқотларида компетентликнинг доимо ўзгариб бораётган шароитларда мутахассиснинг касбий фаолиятини самарали ташкил этишга имкон берувчи шахсга хос интеграллашган сифат эканлиги асослаб берилади<sup>7</sup>.

Н.А. Муслимов томонидан компетентлик инсоннинг шахсий ва ижтимоий аҳамиятга эга касбий фаолияти маҳсули сифатида тадқиқ қилинади<sup>8</sup>.

Олиб борилган назарий таҳлилларга асосланиб шуни айтиш мумкинки, шахснинг у ёки бу инсонлар билан ўзаро адекват муносабатга кириша олиши, ёхуд ўзига хос ижтимоий-психологик компетентлиги юқори даражада мулоқотмандлик, мулоқот вазиятларини таҳлил этувчанлик, суҳбатдошнинг хулқ-атвори, хатти-ҳаракатлари, кечинмаларига нисбатан адекват

<sup>6</sup> Баратов Ш.Р. Социально-психологические основы создания психологической службы в Узбекистане: автореф. дис. докт. психол. наук. – Ташкент, 1998. – 37 с.

<sup>7</sup> Маҳмудов А.Х. Таълим тизимида компетентлик асосида ёндашувнинг дидактик жиҳатлари // «Ўқитувчиларнинг касбий маҳоратини оширишда инновация технологияларининг аҳамияти» мавзусидаги Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Тошкент, 2012. – 44-47 б.

<sup>8</sup> Муслимов Н.А. Касб таълими ўқитувчисини касбий шакллантиришнинг назарий-методик асослари. Пед. фан. докт. ... дисс. -Тошкент. - 2007. - 34 б.

сезувчанлик ва турли хил вазиятларга нисбатан муайян даражада мослашувчанлик сифатларининг намоён этилиши билан характерланади. Бу эса мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиларидаги шахслилик хусусиятларини тадқиқ этишда муҳим аҳамият касб этади.

**«Мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиларида ижтимоий-психологик компетентлик омилларини тадқиқ қилишнинг эмпирик асослари»** деб номланган диссертациянинг иккинчи бобида тадқиқотнинг объекти, экспериментал модели, методикалари ва уларни қўллаш тартиби, шунингдек, методларнинг ўзаро корреляцион боғлиқликлари ҳақида ўтказилган эмпирик тадқиқотлар натижалари баён қилинган. Айти пайтда, компетентлик ривожланишининг ижтимоий-психологик омилларини белгилаш ва уларнинг ҳар бирини чуқур ўрганиш учун тегишли усулларни қўллаш тартиби ҳақидаги маълумотлар батафсил баён этилади.

Мактабгача таълим ташкилоти тарбиячилари ижтимоий-психологик компетентлигини белгилашда шахс типлари муҳим аҳамият касб этади. Зеро, мактабгача таълим ташкилоти тарбиячилари касбий фаолияти маълум даражадаги шахслилик хусусиятлари билан уйғунлашувни тақозо этади. Шу боисдан мазкур бобда мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиларининг касбий фаолият самарадорлигига бевосита таъсир этувчи омилларнинг шахс типлари билан боғлиқ корреляцион алоқадорлик имкониятларига ҳам баҳо берилган.

Мактабгача таълим ташкилоти тарбиячилариларнинг шахс типларини аниқлашда Г.Ю. Айзенкнинг «Экстрроверсия-интроверсия ва невротизмни аниқлаш» сўровномаси бўйича олинган эмпирик маълумотларнинг статистик қийматларига баҳо берилади (1-жадвал).

Сўровнома натижаларини амалда қабул қилиш учун респондентларнинг жавоби холислигини англатувчи «сохталик» шкаласи кўрсаткичлари ҳам инобатга олинди.

Сўровнома талабларига кўра мазкур шкала қиймати тест меъёридагидан кичик яъни меъёрга кўра 5 балл атрофидаги қиймат холисликка эга. Умумий ҳолатда таҳлил қилинган мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиларининг экстрроверсия типига мансуб бўлганлари меъёрдаги ҳолатда экан (16,59).

**1-жадвал**

**Тарбиячиларида шахс типлари намоён этилишининг ўртача-умумий қийматлари**

	<b>Шкалалар</b>	<b>M</b>	<b>S</b>
<b>Г.Ю. Айзенк методикаси асосида</b>	Экстрверт	16,59	0,93
	Интроверт	10,9	0,55
	Невротизм	12,61	0,62
	Сохталик	2,71	1,94

M = Ўртача қиймат

S = Стандарт оғиш

Бу мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиларининг экстроверсия типига мансуб бўлганлари мулоқотманд, инсонлар орасида бўлишни ёқтирадиган, фаол, ўз туйғуларини очиқ ифода эта олиш, вазиятларга тез мослашувчан эканликларидан далолат бермоқда.

Шунингдек, ушбу типдаги тарбиячиларнинг социал тажрибаларни ўзлаштиришга хайрихоҳликларини сўровноманинг натижаларидан билиб олиш мумкин. Ушбу натижаларга кўра уларнинг невротизм шкаласи қиймати (12,61) шахснинг асаб тизимида зўриқишлар учраб туриши ва уни қисман бўлсада адекват бошқара олиш қобилиятига эга эканликларини кўрсатмоқда.

Тадқиқотимизда интроверт типига мансуб тарбиячиларнинг қийматлари (10,9) уларнинг анча вазмин, асаб тизимини бошқариш имкониятига эгаликларидан далолат беради. Аммо, бизнинг мақсадимиз мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиларининг шахс типларини эмас, балки муайян типнинг ижтимоий-психологик компетентлик шаклланишидаги таъсирини аниқлашдан иборат эди. Шунинг учун шахс типлари ва ижтимоий-психологик компетентлик индекси кўрсаткичлари орасидаги корреляцион муносабатлари мутаносибликлари талқин қилинди.

Мазкур бобда мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиларининг ижтимоий-психологик компетентлик индекси ва шахс типлари ўртасидаги миқдорий қийматлар кузатилди (2-жадвал). Бунда экстроверт типдаги тарбиячиларнинг мулоқотни синчковлик билан олиб боришлари, суҳбатдошнинг ҳиссиёти, кечинмаси, хоҳиш-истакларини тушуниш қобилиятлари яхши ривожланган экан ( $r=0,433$ ). Бу эса уларда педагогик фаолиятни хушқайфият билан амалга оширишлари, муносабатларда дуч келиши мумкин бўлган нохушликларни вазминлик, босиқлик ва ортиқча эҳтиросларга берилмасдан ҳал этишга кириша олишлари билан бирга ( $r=0,467$ ), коммуникатив компетентлик қобилияти ( $r=0,311$ ) ва невротизмнинг пасайиши ( $r=0,335$ ) ҳам экстроверт типдаги тарбиячилар учун характерли эканлигини кўриш мумкин.

## 2-жадвал

### Тарбиячилар фаолиятида намоён бўлувчи шахс типлари ва ижтимоий-психологик компетентлик индекси кўрсаткичлари орасидаги корреляцион муносабат натижалари

Мезонлар		Шахс типлари		
		Экстроверт	Интроверт	Невротизм
Ижтимоий-психологик компетентлик индекси	Социал–перцептив компетентлик	0,433**	-0,089	-0,467**
	Коммуникатив компетентлик	0,311*	-0,101	-0,335*
	Когнитив компетентлик	0,319*	-0,030	-0,068
	Аутопсихологик компетентлик	-0,423**	0,362*	-0,058

Аммо экстрровертларда шахслараро ўзаро таъсирлашувни таҳлил этишнинг пасайиши ( $r=0,423$ ) ва интровертлардаги ўзаро таъсирлашувларда бир оз бўлсада ўсиш ҳолати қайд этилмоқда ( $r=0,362$ ).

Буни тарбиячиларнинг шахслараро ўзаро таъсирлашувларда вазминлик билан ёндашишлари, суҳбатдошларга муносабат билдиришда сўзларни ўз ўрнида қўйиб ишлатишлари, муомала жараёнидаги кескинликларда ортиқча асабийлашмаслик ва эҳтиёткорлик билан иш тутишларининг оқибати эканлиги билан изоҳлаш мумкин.

Дарҳақиқат, тадқиқотда қўйилган вазифалардан келиб чиқиб мактабгача таълим ташкилотларида фаолият кўрсатаётган тарбиячилардаги социал-коммуникатив компетентлик (СКК) омилларининг намоён этилиши билан боғлиқ кўрсаткичларни аниқлаш ва тадқиқ қилиш муҳим аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан ушбу масалага илмий ойдинлик киритиш учун Россиялик таниқли психологлар Н.П. Фетискин ва В.В. Козловлар томонидан ишлаб чиқилган социал-коммуникатив компетентлик (СКК) методикаси имкониятларидан фойдаланилди. Зеро, таълим ташкилотларида фаолият юритувчи ҳар қандай тарбиячининг фаолият самарадорлиги энг аввало ундаги социал-коммуникативликнинг шаклланганлиги билан бевосита боғлиқдир. Бинобарин, мазкур тарбиячи тарбияланувчилар билан самарали мулоқотга кириша олмас экан унинг касбий фаолиятида шахслараро муносабатлар билан боғлиқ муайян даражадаги етишмовчиликлар намоён этилаверади. Яъни, шахслараро муносабатларни тўғри йўналтира олиш тарбиячидаги ижтимоий-психологик компетентликни кўрсата олувчи муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, компетентликка бевосита таъсир этувчи омиллар ҳақида илмий эмпирик жиҳатдан мулоҳаза юритишни лозим топган эдик. Ушбу мулоҳазага мувофиқ айнан таниқли олимлар Н.П. Фетискин ва В.В. Козлов томонидан ишлаб чиқилган 6 шкалалли омиллар тизимининг мактабгача таълим ташкилоти тарбиячилари фаолиятида қай даражада намоён этилганлиги аниқланди ва тадқиқ қилинди.

Дастлабки эмпирик маълумотлар таҳлили тадқиқот объекти сифатида белгиланган 576 нафар респондентларда методика шкалалари бўйича олинган маълумотларнинг турли даражаларда шаклланганлигини яққол кўрсатмоқда (3-жадвал).


Мазкур жадвалда белгиланган омилларнинг жами 576 нафар респондентга нисбатан фоизлар ҳисобида қай даражада шаклланганлигини таҳлил қилишда муайян қулайликларни яратиш учун иккита даража белгиланди. Яъни, ҳар бир йўналишга мойиллик мавжудлигини тасдиқловчи тест калитлари бўйича олинган жавоблар йиғиндисини икки гуруҳга (ўртачадан юқори ва ўртачадан паст) ажратилган ҳолда олинган баллар миқдорига асосланиб тадқиқ қилинди. Жумладан, 1-омил бўлган коммуникатив пассивликни енгишга йўналганлик мотивациясининг шаклланганлиги билан боғлиқ саволларга берилган жавоблар (тест калити бўйича) миқдорнинг 15 ва ундан юқори баллга эга эканлиги мазкур омил

бўйича респондентларда ўртачадан юқори кўрсаткичнинг мавжудлигини ёхуд 1 дан 14 баллгача тўпланган жавоблар миқдори эса мазкур омил бўйича мазкур респондентларда ўртачадан паст даражадаги кўрсаткичнинг характерли эканлигидан далолат беради. Демак, шу тариқа барча респондентлардан олинган маълумотлар умумлаштирилиб 576 нафар респондентга нисбатан даражалар бўйича ўртача-умумий кўрсаткичлар миқдори белгиланди ва тадқиқ қилинди.

**3-жадвал.**

**Тарбиячилар фаолиятида социал-коммуникатив компетентлик (СКК) омиллари намоён этилишининг ўртача-умумий кўрсаткичлари (n=576)**

№	Омиллар	Ўртачадан юқори		Ўр ни	Ўртачадан паст		Ўр ни	Жами	
		N	%		N	%		N	%
1	Коммуникатив-пассивликни енгишга йўналганлик	260	45.1	5	316	54.9	2	576	100
2	Коммуникатив мавҳумликни мувофиқлаштиришга йўналганлик	300	52.1	3	276	47.9	4	576	100
3	Коммуникатив конформизмга йўналганлик	410	71.2	1	166	28.8	6	576	100
4	Ўз мавқеини оширишга йўналганлик	350	60.8	2	226	39.2	5	576	100
5	Коммуникатив номутаносибликни енгишга йўналганлик	296	51.4	4	280	48.6	3	576	100
6	Коммуникатив фрустрацияни енгишга йўналганлик	240	41.7	6	336	58.3	1	576	100
Жами		53.7			46.3				



**1 - расм. Социал-коммуникатив компетентлик (СКК) кўрсаткичлари намоён этилишининг умумий диаграмма кўриниши. (n=576)**



Иккинчи омил (коммуникатив мавҳумликни мувофиқлаштиришга йўналганлик) бўйича максимал баллар миқдори 21 балл бўлиб, шундан 11 ва ундан юқори балл кўрсаткичи ўртачадан юқорини, 1 баллдан 10 баллгача бўлган умумий баллар кўрсаткичи эса ўртачадан паст даража миқдорини кўрсатади.

Учинчи омил (коммуникатив конформизмга йўналганлик) кўрсаткичлари бўйича энг юқори балл 15 баллни ташкил этган ҳолда ўртачадан юқори 9-15 баллни, ўртачадан қуйи эса 1-8 баллни ташкил этиши билан характерланади.

Тўртинчи омил (ўз мавқеини оширишга йўналганлик) кўрсаткичларини баҳолашда 1-10 балл ўртачадан паст ва шу билан бирга 11-20 балл ўртачадан юқори кўрсаткич сифатида таҳлил қилиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Методиканинг бешинчи шкаласидаги (коммуникатив номутаносибликни енгишга йўналганлик) омили бўйича ўртачадан юқори 15-28 балл билан ўртачадан қуйи кўрсаткич миқдори эса 1-14 балл билан белгиланади ва баҳоланади.

Методиканинг сўнгги олтинчи омили (коммуникатив фрустрацияни енгишга йўналганлик) кўрсаткичлари миқдори белгиланганда ўртачадан қуйи кўрсаткични 1-14 балл билан ўртачадан юқори кўрсаткични эса 15-29 балл билан баҳолаш орқали тадқиқот мақсадига мос таҳлиллар олиб борилади. Яна шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, юқоридаги мезонлар асосида ҳар бир респондентдан олинган маълумот 576 нафар респондентининг умумий сонига нисбатан ҳам тақсимланиб ҳар бир омил учун ўртача-умумий миқдордаги ўринлар ва характерли жихатларга алоҳида эътибор қаратилган ҳолда муайян даражадаги ижтимоий-психологик таҳлиллар олиб борилади.

Энди, бевосита жадвалда келтирилган рақамлар таҳлиliga ўтамиз. Аввало шуни таъкидлаш жоизки, методика талабига оид шакллантирилган ҳар бир омил шкаласи тарбиячининг ижтимоий-психологик компетентлиги ривожланишида муҳим аҳамият касб этади. Чунки ҳар бир тарбиячи ўз тарбияланувчилари билан шахслараро мулоқот имкониятларидан унумли фойдалана олиш малакасига эга бўлсагина муайян даражадаги ютуқларга эришиши мумкин. Бугунги мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячиларидан эса айнан шу нарса талаб қилинади. Акс ҳолда, тарбиячи-тарбияланувчини ёхуд тарбияланувчи тарбиячини тушунмайди. Бу эса бевосита тарбиянинг педагогик психологик самарадорлигига салбий таъсир этиши мумкин. Масаланинг айнан шу томонини ҳисобга олиб ҳар бир фаолият юритаётган тарбиячида юқорида қайд этилган омиларнинг шаклланганлик даражалари ўрганилди, таҳлил қилинди ва тегишли хулосалар шакллантирилди.

Умуман, жадвалда келтирилган ҳар бир рақам респондентлардаги социал-коммуникатив компетентлик омиларининг нечоғлик шаклланганлик даражалари ҳақида эмпирик маълумотлар бериш билан бирга ўрганилган 576 нафар тарбиячига нисбатан умумий кўрсаткичлар кўламининг намоён

этилиши динамикаси ҳақида ҳам маълумотлар бериш мумкин (2-жадвал). Бинобарин, жадвалда қайд этилган биринчи шкала «Коммуникатив пассивликни енгишга йўналганлик» омили бўйича умумий тарзда ўрганилган 576 нафар тарбиячиларнинг 260 нафарида (45,1%) ўртачадан юқори баллар кўрсаткичи, 316 нафарида эса ўртачадан паст бўлган баллар доирасидаги кўрсаткичлар (54,9) кўламининг мавжудлиги аниқланди. Бунинг асосий сабаби бизнингча тарбиячилардаги коммуникатив малакаларнинг етишмаслиги улардаги индивидуал хусусиятларнинг яққол намоён этилиши билан бевосита боғлиқ эканлигидадир.

Мазкур методиканинг иккинчи шкаласи бўлмиш «Коммуникатив мавҳумликни мувофиқлаштиришга йўналганлик» омилига дахлдор кўрсаткичлар миқдори белгиланган 576 нафар респондентнинг 300 нафарида (52,1) ўртачадан юқори, 276 нафарида эса (47,9) ўртачадан қуйи даражадаги кўрсаткичлар аниқланди. Демак умумий ҳисобда 47,9 % тарбиячиларда шахслараро мулоқот билан боғлиқ коммуникатив мавҳумликни енгишга бўлган ҳаракатларида муайян даражадаги муаммолар мавжуд экан. Бу эса мазкур тарбиячиларга психологик ёрдам бериш зарурлигидан далолат беради.

Энди, бевосита учинчи шкала кўрсаткичлари таҳлиliga ўтадиган бўлсак, шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, аксарият мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиларида коммуникатив конформизмга йўналганлик омили яққол намоён этилганлигининг гувоҳи бўламиз. Чунки ҳар қандай коммуникатив мулоқотдаги қулайлик, конформликка асосланган мойиллик тарбиячилар учун кўпроқ характерли экан. Чунинчиси, жами 576 нафар тарбиячиларнинг 410 нафарида (71,2 %) мазкур мотивацияга дахлдор ўртачадан юқори кўрсаткичлар кўлами яққол намоён этилди. Шу билан бирга, 166 нафар респондентларда эса (28,8 %) ўртачадан паст даражадаги баллар миқдори кузатилди.

«Ўз мавқеини оширишга йўналганлик» шкаласи (тўртинчи шкала) бўйича олинган маълумотлар таҳлили бўйича 350 нафар (60,8 %) респондентларда ўртачадан юқори кўрсаткич кузатилган бўлса, 226 нафар (39,2 %) респондентларимизда ўртачадан қуйи даражасида бўлган баллар миқдори намоён этилди. Демак, мазкур омиш бўйича аксарият тарбиячиларимиз бугунги кунда шахслараро мулоқотни муваффақиятли ташкил этишда кўпроқ ҳолларда мулоқот давомида ўз мавқеларини ошириш учун астойдил ҳаракат қилар эканлар.

«Коммуникатив номуносивликни енгишга йўналганлик» шкаласининг намоён этилишида (бешинчи шкала) эса 296 нафар (51,4 %) тарбиячилар ўртачадан юқори бўлган баллар миқдорини, 280 нафар (48,6 %) тарбиячилар эса ўртачадан қуйи даражаларга эга бўлган баллар миқдорини қўлга киритдилар.

Ниҳоят, «Коммуникатив фрустрацияни енгишга йўналганлик» мотивацияси (олтинчи шкала) омишларининг намоён этилиши билан

бевосита боғлиқ кўрсаткичларнинг ўртачадан юқори даражаси 240 нафар (41,7 %) ва ўртачадан қуйи даражаси эса 336 нафар (58,3 %) респондентларга тўғри келиши билан алоҳида ажралиб турганлигини кўрамиз. Демак мулоқотдаги фрустрация ҳолатни енгиш мотивацияси тарбиячилар учун бир мунча қийин ва мураккаб жараён экан. Демак, бу борада ҳам тарбиячилар билан жуда кўплаб психотренинглар олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Умуман, мазкур методика талабларидан келиб чиқиб барча шкала кўрсаткичларига қўшимча равишда савол-жавоблар, суҳбатлар, анкета ва контент таҳлиллардан олинган маълумотлар орқали ҳам муайян даражадаги аниқликлар киритилди.

#### 4-жадвал

### Респондентларда ижтимоий-психологик компетентлик индекси билан коммуникатив ва социал компетентлилик кўрсаткичлари орасидаги корреляцион боғлиқлик натижалари

№	Омиллар	Ижтимоий-психологик компетентлик индекси			
		Социал-перцептив компетентлик	Коммуникатив компетентлик	Когнитив компетентлик	Аутопсихологик компетентлик
Коммуникатив ва социал компетентлилик	Инсонларни тушуниш	0,010	0,136	0,371*	0,059
	Вазиятларни тушуниш	0,033	-0,058	0,344*	-0,124
	Уддабуронлик	-0,039	-0,136	-0,226	0,018
	Ахлоқий установакалар	-0,032	0,058	0,276	-0,006
	Муваффақиятга эришганлик мотивацияси	0,040	-0,038	-0,265	-0,098
	Эмоционал барқарорлик	0,016	-0,050	-0,185	0,068
	Имидж	-0,211	-0,077	0,086	0,277*
	Социал психологик компетентлик	-0,194	-0,074	-0,006	-0,135
	Вербаль компетентлик	0,278*	0,063	0,039	0,373*
	Оператив социал-психологик компетентлик	-0,151	-0,146	-0,046	-0,175
	Эго компетентлик	-0,044	-0,018	-0,054	0,009
	Коммуникатив компетентлик	0,221	0,191	0,104	0,202
	Ишончлилик	-0,166	-0,055	0,232	-0,067
	Барқарор инсоний муносабатлар	-0,182	-0,108	0,120	-0,051
	Коммуникатив шахслилик имконияти	0,222	0,097	-0,246	0,079

Изоҳ: \*  $p \leq 0,05$

Бинобарин, ўртачадан юқори кўрсаткичлар миқдорини белгиланган 6 та шкала бўйича таҳлил қилганимизда 1-ўрин «Коммуникатив конформизмга йўналганлик», 2-ўрин «Ўз мавқеини оширишга йўналганлик», 3-ўрин

«Коммуникатив мавҳумликни мувофиқлаштиришга йўналганлик», 4-ўрин «Коммуникатив номуносибликни енгишга йўналганлик», 5-ўрин «Коммуникатив пассивликни енгишга йўналганлик», 6-ўрин эса «Коммуникатив фрустрацияни енгишга йўналганлик» мотивациялари учун характерли эканлиги яққол намоён этилди. Олинган ушбу маълумотлар мактабгача таълим ташкилотларида фаолият юритаётган тарбиячиларнинг ижтимоий-психологик компетентлигига баҳо беришда муҳим аҳамият касб этади.

Тадқиқот давомида ҳар бир тарбиячида коммуникатив компетентликнинг нечоғлик шаклланганлигини тадқиқ қилиш мақсадида В.Н. Куньцинанинг (коммуникатив ва социал компетентликни аниқлашга мўлжалланган) «Коском» сўровномасидан фойдаланилди.

Бу сўровнома орқали мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиларининг ижтимоий-психологик компетентлик индекси билан коммуникатив ва социал компетентлик хусусиятлари ўртасидаги ўзаро корреляцион муносабатларни ўрганиш орқали муаммонинг янги қирраларини тадқиқ қилиш имконияти туғилади.

Шунингдек, мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиларидаги ижтимоий-психологик компетентлик индекси билан социал-психологик ва коммуникатив компетентлик омиллари орасидаги корреляцион боғлиқлик хусусиятларига эътибор қаратилди. Бунда, мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиларининг социал ва коммуникатив компетентлигини аниқлашдан олинган кўрсаткичлар фоиз ҳисобида аниқланди. Мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиларидаги компетентлик омилларининг ўзаро боғлиқлигини ўрганиш орқали муаммонинг янги қирралари очилди. Жумладан, натижаларга кўра мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиларининг ижтимоий-психологик компетентлик индекси билан коммуникатив ва социал компетентлик кўрсаткичлари орасида қуйидаги муносабат ва манфий корреляцион муносабатлар аниқланди (4-жадвал).

